

23.3 (бюл)
Е - 45

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ЗА УРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМЛИ УРГАНЧ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

A-PDF Merger DEMO : Purchase from www.



ИСЛОМОЖОН ЁҚУБОВ
КОМИЛЖОН ТАШАНОВ

АДАБИЙ МЕРОС
ВА
МИЛЛИЙ ТАФАККУР

ТОШКЕНТ - 2001.

83.3(547)
БЧГ

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМЛИ УРГАНЧ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

ИСЛОМОЖОН ЁҚУБОВ
КОМИДЖОН ТАШАНОВ

АДАБИЙ МЕРОС
ВА
МИЛЛИЙ ТАФАККУР

1 NOE ALI'NDI - 2010

ТОШКЕНТ - 2001.

**ИСЛОМЖОН АҲМАДЖОНОВИЧ ЁҚУБОВ
КОМИЛЖОН ЮЛДАШЕВИЧ ТАШАНОВ**

АДАБИЙ МЕРОС ВА МИЛЛИЙ ТАФАККУР

(Истиқлол фидойинлари туркуми. Вадуд Махмудининг ҳаёти ва ўзбек адабиёти, умумият туркий халқлар маданийти тарихига тегинши маколалари таълими ҳамда табдили)

Мазкур рисолада адабий мерос ва миллий мағфура масалалари адабиётшунус Вадуд Махмудининг «Алшинер Навоий», «Фузулий Богодотий», «Турк адабиёти тарихи», «Навоийгача турк адабиёти» маколалари асосида таълими килинади. Вадуд Махмудининг бу маколалари ишқ бор китобхонларга тақдым хизнишмоқда. Рисола адабиётшунослар, аспирантлар ва олий ўкув юртлари профессор-ўқитувчиларига мұлжалланган. Шунингдеги, олий ўкув юртлари филология факультетлари талабалари ундан ўкув күлланымаған сифатида фойдаланниши мумкин.

МАССУЛ МУҲАРРИР:

Ўзбекистон Фаннинг академиги, филология фанлари доктори, профессор **Б.А.НАЗАРОВ**

ТАҚРИЗЧИЛАР: Филология фанлари доктори, профессор **Х.ЖАБДУЛЛАЕВ**

Филология фанлари доктори, профессор **К.КУРАМБАЕВ**

Филология фаслари номзоди, проф. **Қ.ЖУМАЖАНОВ**

Ўкув күлланыма университет таълими учун ўзбек филологиянын мутахасисларни бўйича ўкув дастурлари (Тошкент "Университет" 1997)га мувофиқ тарзда тайёрланган.

Тошкент -2001

МУНАҚҚИДНИНГ ИЛМИЙ-ЭСТЕТИК ОЛАМИ

Шарқда ўтганларни хотирлаш ва тирикларни қадрлаш азалдан анъана саналса-да, истиқлол шарофати билан бардавомлик касб этмоқда. Мустакил Ўзбекистон халқи, айниқса ёшлари юртимиз озодлиги, халқ эркинлиги йўлида жон тиккан, гайрат-шижоат кўрсатган, адолат тантанаси учун курашган, бу машаккатли йўлда зарур бўлса курбон бўлган ёки мустамлакачилик даврида миллий истиқлол ва тараққиёт йўлидаги интилишлари учун ноҳақ айбланиб, турли жазо ва тайзикларга мажкум этилган ватаандошларимиз қадр-қўймат топаётгани истиқлолимиз сабабли эканлигини теран англаб етмоқдалар.

Муҳтарам президентимизнинг фармони билан Хотира ва қадрлаш кунининг умумхалқ байрами сифатида бутун мамлакат бўйлаб нишонланиши, юнили жантохларда ҳалок бўлганларнинг руҳи поклари ёдга олининиши баробарида ҳалқимиз манбаати, Ватанимиз равнаки учун ҳалом меҳнат қилиб кексалик гаштини суриб яшаётган отахону онахонларимизга иззат-икром, хурмат-эдтиром кўрсатилиши улкан маънавий-матрифий аҳамиятта молик бўлди.

Орадан ҳеч қанча фурсат ўтмасдан 1999 йилнинг 12 май санасида Президентимизнинг фармойинши билан мустамлакачилик даври фидойи кишилари ҳаёти ва фаолиятини, бой илмий-ижодий меросини янада чукур ўрганиш, шаҳид зиёнилар хотирасини абдийлаштириши борасидаги

INVENTAR № 3
30767

амнистиянда тартаға кейгү йўл очиди. Мазкур фармойишга асосан тузилган жамоатчлик комиссияси кенг жамоатчликка мурожаат килиб, муғаласислар билан бамаслашат холда фаолият куралдиганда ишчарири амалга оширилмоқда. Халқ ө. Ватан куррияти тартибида курашган ҳар бир ватандарни мисми-шарифини тиклаш ва котирасини адабийдаштиришдек маъсулиятли ва дайрани сиёсий ва фукаролик бурчи деб билмок. Ўсиб келдётган ёш авлод онгида мустакиллик қадриятарига, инсон ҳак-хукукларига юксак ҳурмат-эҳтиром туйгуларини камол топтириши, уарни ватандарварлик, ал-юртта садоқат, демократик тамойиллар руҳида тарбиялаши шубҳасиздир.

Албатта, бундай фармойиш республикамизда мустакиллик эълоци қилинган ilk кунлардан бошлаб ижтимойи адолатни тиклаш, истибод түфайли тағихимиззининг ширин тутилган кўшлаб муҳим ҳодисаларини ёритиш бўйича қабул қилинган зарур ҳужжатларнинг янги бир боскичи сифатида мустакилдигимиз тарихига яна бир муҳим воқеа бўлиб ёзиладиган тарихий ҳужжатdir.

Бехбудий, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Валди Махмуд, Отажон Хошим каби фидойи аждодларимиз номлари оғланлар юзага чикканлиги маънавий-маъмурий тазйиклар даври ортда колганигини, адабиётимиз миллий тамойиллар хисобига бойиб бораёттанигини кўрсатади.

Шубҳасиз, Узбекистонидаги ижтимойи-сиёсий ва маданий ҳаётида сўнгти йўқлашадиган кеёнин кескин ўзгаришлар адабиёт филмиюномиғуз ассинын топмоқда. Адабиётшуносликангизни фақада ишларди доираси кенгайиб, терандлашиб бораёттани, ниҳоят сўзининг ва эркин фикрининг етмоғиб ёфқида кавоғидан ошиб бораёттанилигида бу яъқол ишудоғаннапарди. Адабиётшунос олимларимиз тарихий давр Ғалаби, яб имкониятлари ўз зиммаларидаги тарихий-тарижий адабий-эстетик муъммоларни янтича иштадиши шархида ҳамда ҳал қилиш маъсулнинг таъвудланганнитини чукур ҳис килимоклар. Узлабозлай боргоюлойиб макола ва риссолалар, номзошликенга гицдорлик диссертацияларида ўзбек таъвудланганнитини умумиёттеги илмий меъзамлар билан обакодашма инитилиб, умуминсоний қадриятлар асосида шайта тадқик килиб, ҳар бир даврига хос адабий жараён ва ижодкорларнинг адабий-бадний, илмий-эстетик олами янгидан кашф этилаётгани қувончли колдир.

Айниқса, XIX аср охри ХХ аср бошларидағи адабий жараён, адабий-тарихий давр ва муҳит кенгрек ўрганилмоқда. Бундай тадқикотлар шу вактгача ҳаёти ва асарлари ўрганилмаган ижодкорларнинг ўз даври ижтимойи-сиёсий, маданий-мәърифий муаммоларига муносабатини ойдинлаштириб, адабий жараёнларига ўрнинни белгилабзгина колмайди. Балки янги тадқикотларидаги ХХ аср асаюёти тарихини янала мукаммаллаштириш, адабий танқид тарихини яратишда ниҳоятда муҳим манба саналади.

Шундай муҳим тадқикотлардан биринин ёш адабиётшунос Б.Н.Каримов томонидан 1995 йилда

амалга оширилди. «Вадуд Махмуднинг 20-йиллар танқидчилигидаги ўрни» мавзудаги номзодлик ишига филология фанлари доктори, академик Б.А.Назаров илмий раҳбар сифатида улкан баҳо берди.

Зеро, 20-30 йилларда фаолият кўрсатган Ашурали Зохирий, Лутфулла Олимий, Шоҳид Эҳсон, Зиё Саид, Санжар Сиддик, Миёнбузрук Солиҳов, Вадуд Махмуд сингари адабиётшунос, театршунос, тилшунос ва таржимашунос олимлар мухити ҳам сиёсий тамғалардан четда қолмаганди. Тадқиқотчи Б.Каримов Вадуд Махмудига ҳаёти ва 20-йиллардаги изланишларини бирламчи манбалар асосида одил ва ҳалол тадқиқ этиб, унинг адабий танқидчиликдаги ўринини кўрсатишга уринган эди. Айтиш мумкинки, тадқиқотчи Вадуд Махмуд ижодини жиддий текшириди ва принципиал асосларини аниклай олди. Мавжуд материалларга муайян муносабат билдириш ва монографик йўсингдаги яхлит тадқиқотда бу шахснинг ҳаёти ҳакидағи маълумотларни ҳам, индивидуал услубини ҳам, маколалари негизидаги гоёларини ҳам умумлаштира олди. Натижада Вадуд Махмуднинг ўз даври ва ҳозирги давр ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослиги равнакидаги ўрни анча ойдинлашди. Бирок, олимнинг айrim маколаларини инобатга олмаганда, 20-йиллар матбуотида таркоқ ҳолда ётган асарлари қайта нашр қилинмади. Бугунги китобхонларнинг барчаси ҳам улар билан танишиш имкониятига эга змаслиги ачинарли ҳолдир.

Айнинса, XX аср ўзбек халқининг эстетик тафаккури тараққиёти тарихини, адабий-танқидий тафаккурнинг аср бошларидағи ўзига хос жиҳатларини ҳамда шахс ва ижод эркинлиги масалаларини ўрганишга ҳар қачонгидан ҳам кизикиш ортиб бораёттанилиги. Вадуд Махмуд ижодини ҳам кенг кўламда нашр этиш, тарғибаташвиқ қилиш масаласини кун тартибиға кўяди. Ушбу хайрлн иш ана шу эҳтиёж меваси сифатида юзага келди. Олимнинг ўзбек адабиёти ва умуман туркӣ халқлар маданияти тарихига тегишли маколаларини танлаб олиб, эски ўзбек имлосидан табдил қилдик. Чунки 20-йиллар танқидчиликти диккат марказида бўлган асосий муаммолардан бири ҳам айнан шу маданий меросга муносабат масаласи эди. Бу давр адабиётшунос мунакқидлари, хусусан Вадуд Махмуд зиммасида ҳам адабий меросни замонасининг мулкига айлантириш, ўтмишдаги буюк сиймаларни алга танитиш, асарларини кўп нусхада қайта нашр этиш каби маъсулнаме ва мураккаб масалалар туради эди. Бу давр матбуотида Ҳоссавий мактаби шоирлари, Бокирғоний, имом-Газолий, Алишер Навоий, Захирийдин Муҳаммад Бобир, Фузулий, Нодирахоним каби миллатимизнинг машҳур сиймаларини олқишлоғчи ўнлаб маколалар зълон қилиндики, бу, масала М.Юнусов тадқиқотларида атрофлича ёрнитилгани боис кенг тўхталишга эҳтиеж сезмаймиз. (Юнусов М. Барҳаёт мерос саҳифалари. «Адабий меросни урганиш тарихига доир» деб номланувчи кисми. Тошкент, 1986) Булар орасида Вадуд Махмуднинг «Алишер Навоий», «Фузулий Бағдодий», «Навоийтака турк

адабиёти» сингари адабиётимиз тарихидан баҳс этувчи жиiddий мақолалари ҳам бор эди.

Мазкур мақолаларда муаллиф мумтоз адабиётимизни ўз моҳиятини келиб чиқиб, ислом дини ва тасаввуф фалсафаси асосида баҳолашга интилган эди. Авлод-ажодларимиз таржимаи ҳоли, дунёқараши, мъянави оламини вулыгар-социологик йўсида эмас, мумтоз адабиётимиз бисотидаги илоҳий нурлар ёдусида шулалантириб кўрсатишга интилди. Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейи муносабати билан 1925 йилда ёзган «Алишер Навоий» номли мақоласи «Мўхити», «Таржимаи ҳоли ва тарбияси», «Мутасаввуфлиги», «Илмий, адабий шахсияти», «Навоий бир мужадидири» деган асосий булимлар ва «Илова»дан иборат. (Мақола «Маориф ва ўқитувчи» журналининг 1925 йилиги З-сони 55-62 саҳифаларида В.М. имзоси билан чоп этилган). Юбилей тантаналари олдидан берилган бу мақолада муаллиф аксарият масалаларини кенг ёритишни назарда тутмайди. Мухими шундаки, мақоладаги фактлар бутунги навоийшуносликнинг дебочаси эди. Эл-юртнинг файзи, мамлакат ободиги халкнинг имон-зътиқоди ҳақидагина эмас, буюк ипак йўли туғайли чамбарчас боғланган Ирок, Хуросон ва Балхнинг кўплаб шаҳарлари бозорларида ҳинчистон, Чин, Миср, Шом, Эрон маҳсулотлари ҳақида ҳам VIII, IX, X асрлардаги ҳаким Саноий, Мавлоно Жалолиддин Румий, Фариқиддин Аттор Абу Али Ибн Сино, Форобий, Умар Ҳайём кейнинг даврларда эса, Аҳмад Ясавий, Алишер Навоий, Фузулий, Улугбек, Али күшчи каби олимни фозиллар яраттан

маданият дурдоналари ҳақида ҳам тўлқинланиб гапиради. Амир Темур, Йилдирим Бойзи, Бобир, Султон Ҳусайн сингари «буюк кўмандонлар» яъни лашкарбошиларни, марказлашган давлат учун ҳаракат қўялган кишиларни угулгайди. Ўз мамлакати, ўз ерида турк даҳоси яратган ҳакиму адиллар, ҳайъатшуносларга бўлган алоҳида меҳрини яширмайди. Алишер Навоийни «турк адабиётининг отаси» деб атар экан, унинг ижодига таъсир ўтказган мухит Султон Абулқосим Бобир ва унинг вазири Ҳимоий, Шайх Камол Турбатий, самарқандлик Файзулло Абулайс, Мавлоно Юсуф Ибодий Андижоний, Абдураҳмон Жомий, Мовороунахр ҳокимлари Аҳмад Ҳожибек, Амир Дарвешмуҳаммад Тархон каби судбатдошлари хусусида маълумотлар беради.

Алишернинг жангларда кўрсатган шижо-ати, муҳрдорлик ва амирлик рутбасига сазавор бўлиши ҳам ҳукумат ва ишора ишларига майлини кучайтиргай, фазл ва камолга ихлоси кучли бўлганинг эътироф этади. Навоий шахсиятидаги руҳий тўлқинларнинг курашини кўрсатар экан: «Унинг энг буюк гуссаси севгисининг иккига бўлиниши эди»,-деб ёзди. Дарҳакиқат, Навоий якин дўсти ва ўргоги Ҳусайн Бойкаронинг юзидан ўтолмай, давлат ишларига машгул бўлса, Машҳад, Самарқанд, Хиротнинг ҳокиму зодогонлари билан мuloқотга киришса, иккинчи томондан олиму шайхлар, адибу санъаткорлар даврасида бўлар, тинимсиз ўрганаар, ижод қилар эди.

Нарзининг мутасаввуфлиги ёзган асарларига таъсир этмаслиги мумкин эмас, деб ҳисоблаган

Вадуд Махмуд шоирга бўлган Лутфий ютифотини, яқин мусоҳибларидан Саид Ҳасан Ардашер самиммиятини, пири комил Жомий мухаббатини четлаб ўтолмайди. Накшбандия тарикатини эгаллашида, комилиликка эришишида ҳамиша уларнинг рағбатига таъянланлигини таъкидлайди.

Мунаккид Навонйни энг кичик ёшидан бошлаб шеърлар ёза бошлаган 14-15 ёшларида зуллисанойин сифатида танилган «ўз ҳаётида энг кўп ёзган» ижодкор деб билади. Унинг мумтозлигини шахсияти, мутасаввуфлиги шоирлиги, тарих ёзганлигидагина эмас, минг йилик форс адабиёти ривож топған марказда туриб туркӣ халқ ва унинг тилини юксак кўтара олганлигига ҳам кўради. Шу тилда гўзал асарлар яратиб халқни баҳраманд ўтишга бел боғлаганида деб билади. Навонйнинг форсий девони-ю қасидаларида маҳоратини баҳолар экан, булар турли ётироzlарга ўрин қолдиримаслик учун яратилган деб тўғри таъкидлайди. Унинг тарбияси ва таъсирида етишган илми фозиллар, тазкиранавислар, муаррихлар, шоирлар, санъаткорлар, мусикашунос-лар, рассомлар ўз даври ва кейинги асрларга қолдирилган асарларидан асло кам аҳамият касб этмайди, деб хисоблайди.

Кўринадики, мунаккид Навонйнинг шахсияти ва буюк хизматларини элга танитиш мақсадини назарда туттган. Уни «сарай шоир», «эрон классик шоирларининг эскирган мавзулари»ни кўттарган-деган қабилида баҳолаб «Навонӣ ким эди?» сингари саволлар кўндаланг кўйилган 20-йиллар шароити учун В.Махмуд фикрлари ниҳоятда кимматли эди.

Унинг таҳлил йўснинг мумтоз шарқ адабий танқидчилиги анъаналари асос бўлгани, индивидуал илмий принципига назарий асосларни шу позициядан туриб белгилаб ижод қылгани англашилади. Вадуд Махмуднинг бу йўналишдаги ишлари ўзбек адабиёти доирасидаги «бир-икки макола билан чекланиб қолмайди. Унинг озарбайжон шоири Фузулий ҳакида ёзган «Фузулий Бағдодий» номли маколаси бор («Маориф ва ўқитувчи», 1925 йил, 4-сон, 3-14-саҳифалар). Албатта, мақолада айрим шаклий нокисликлар, хусусан, шеърий парчаларининг кўпайиб кетганинги кузатилади. Бирок, унинг мазмуни ва илмий йўналиши Муҳаммад Фузулий ҳакида дастлабки илмий ишлардан бири сифатида қаралса шоир асарлари нозик таҳлил этилгани ҳамда оммага етказилгани англашилади. Чунки, 20-йилларда шоирнинг қайси миллатга мансублиги, дунёкараши, асарларининг фалсафий асоси хусусида хилма-хил фикрлар мавжуд эди. В.Махмуд ўзбек ўкувчиларини Фузулийнинг ҳаёти ва ижоди, шахсияти, дунёкараши, асарларининг қайси тилда битилгани, шунингдек, Туркистон ижодкор-ларига таъсирини ёритиб ана шундай баҳсли масалаларга муайян аниклик кириптан.

Араб тилида илмий бадсларга киришган, форсий тилда «ибрат инг» гавҳар тизган», «туркӣ майдонда табъ самандини елдириб турк хуштабъларини латиф сўзлар илан лаззатлантирган» Фузулий турк тилини «манинг асл табиатимга мувоффик»-деб ёзган ва бу билан она тили туркча эканлигини таъкидлаган эди. В.Махмуд шоир

цевонининг мұқаддимасыдан ана шундай күчирмалар олиб асоси дағыллар оркали баҳста чек қўйишга ёрдам беради.

Фузулйнинг Ироқда таваллуд тоғиши, мазкур шаҳарнинг араб, форс, турк тили ва адабиётлари учрашган умумий муштарак марказ эканлиги ижодига таъсир этмаслиги мумкин эмасди. Унинг тафаккур тарзида ўша давр фикрий жараённада давом қилаёттган тасааввуф таъсирининг бўлиши ҳам табиий эди. Унинг устозлари Низомий, Хоғиз таъсирини, исломий тасааввуф ва ҳадис илмининг таъсирини англамасдан туршиб Фузулий ижодини тўғри баҳолаш мушкул. Гарчанд арабча касидалари «араблар орасида тақдирлар ила ўқилса», форсий девони, Касида ва маснавийлари машҳур бўлса ҳам мунакқиднинг назарида «туркча қадар самимий, санъаткорона ва гўзал эмасди». Шу боисдан ҳам форсийда у «Хоғиз қадар лърик - рубобий» бўлишга ҳақлицир. Бирок туркийда «Фузулий каби дардли ва ўтли бир шоир йўқдир». Уни форс ва турк улуси орасида бемалол устоз Низомийдан кейинти қаторда санаш мумкин ҳатто, Фузулий касидалари, достон ва ғазаллари ўзининг ошикона дарди, ўтли ҳарорати билан ажъалиб турари Тилшуносликка оид «Чор үнсур» асари илми ҳикмат, тибби-ётдан воказифлиги кенг кирралди олимлигини ҳам «ўрсатади»,- деб гъянкалаган олим ўз даврида маълум бўлган Фузулий асарларини номма-ном санайди. Айримларининг ёнилиш тарихини ҳам белгилайди.

Махмуд Фузулийга эргашган шоирлардан Умархон, Мұҳсин, Хотир, Риёзий, Умархоннинг ўғи Мухаммад Алихон, Фано, Ажзин, Чўлпон ижодидан гарб туркчасида ёзилган парчалар келтириди. У Чўлпон ижодида 20-йиллар усмонли турк адабиёти таъсирини ҳам кузатади. Ўз фикрларининг муайян қисмини Исмоил Ҳикматнинг «Фузулий» номли маколосидан олинган парчалар билан исботлашга, ундаги айрим фикрлар билан мубоҳасага киришишга интилади. Тилларнинг ўзаро бир-бирларига таъсири масаласини муайян даврда адабий тилининг яхши ишланиб маданийлашиши, бир-бирини бойигиши маъносида ижобий ҳол деб баҳолайди. Навоий ўз даврида Ахмад ва Ошик Пошшо, Фузулийгача кучли таъсир килинган бўлса, Фузулийнинг гўзал шеърлари ва лаҳжасида кузатилади-деб кўрсатади. Вадуд Махмуднинг билим доираси теран ва анча кент камровлидир. У ҳамица ўз фикрларини зътчборли фактларга таяниб кучли илмий асосда ифодалашга интилади. 1925 йилда Боку шаҳрида Озарбайжон нацириёти томонидан Исмоил Ҳикматнинг «Турк адабиёти тарихи» китоби биринчи жилди чоп этилади. Унда XIX аср турк ҳаёти ва адабиёти мажмуя сифатида акс этган эди. В.Махмуд биринчилардан бўлиб актли матбуотда бу китобга тақризини зълон қиласди (Махмуд В. Турк адабиёти тарихи И.Ҳикмат, Боку, 1925 «Маориф ва ўқитувчи» 1925. 9-10-сонлар, 109-116-саҳифалар).

Маккод шу пайтгача турк адабий ҳаётида кўплаб тазкиралар, тарихий асарлар яратилган

бўлса-да бундай мукаммал нашр амалга оширилмаганлигини, унга муаллифнинг ташаббускорлигидан ташкари кўп ижодий меҳнати сарф қилинганинги эътироф этади. Айни пайтда Турк ҳаётидан табиий тўсиклар: тог ва дентизлар, сахро ва чўуллар ажратиб турган Туркистон зиёлилари чор ҳукуматининг сиёсий монеъликлари туфайли ҳам илмий-адабий ҳаракатдан етарлича вокиф бўла олмаганлигидан таассуфда эканликларини яширмайди. Ҳатто, инклиоб йилларида ҳам адабий-илмий ҳаракатни жонлантиришга «на вақт, на шаронг» жиҳатидан ёрдамлашин имкони бўлмади дейишга жасорат топади. Туркистон мухитидаги зиёлиларга «мухитнинг каттиқ бўгувчи иссиелари остида ҳомлигича қовурилғонлар»га мажмуа тъисир кўрсатиши мумкин дейди. Бундай образли таффакурдан кейин асарни марксистик нуқтаи назардан изоҳлашга ҳаракат қилувчи қимсаларнинг фикрларини «куруқ сўз», «бир пулча қиммати йўқдур» деб баҳолайди. Мажмууга эса: «бу асарнинг бош маънияти 32 шоирнинг, яъни бир асрга яқин бир муддат адабий ҳаётининг бир тартиб ва усул доирасида тизилиши ва адабиётига бир «Гул» ҳолида кўраш учун мухим бир йигими ташкил эттандирки, ҳалигача бу бўлморондир» деб баҳо беради.

В.Махмуд муаллифнинг филойи меҳнатини қайта-қайта тъкиллаб, туркий қавмларнинг ахил бўлмаганлигидан таассуф билшгради. Ижтимоий-иктисодий ҳаётнинг муайян даврлари ҳали йигилмаган умумий тарзда илмий кузатиш имкони

ҳам бўлмагани даврда унинг бутун ижаликлари хусусида марксча тасаввур тутвилиши 22 шу йўл билан баҳолашни талаб этмоқ «Кулаги бир бола талаби»-деб ёзган мунаккид бутун бир туркий адабиётни олдин тўла-тўқис нашр қўлдириш зарурлигини таъкидлайди. Бу билан у адабиётни «сараблаб нашр этиш» тарафдорлари фикрига карши эквалигини ҳолаверса, ўтмиш адабиётини бу метод билан баҳолаб бўлмаслигини таъкидлаган эди.

Ана шундан кейингина муаллиф мажмуудати Туркистон зиёлилари таниш бўлган дайрим адабий номлар ва улар хусусидаги мақоланинг бош мақсадига кўчади. Мажмууда Абулҳак Ҳамидга 140 саҳифа ўрин ажратилган, унинг ўнданд ортиқ уччалик характерни бўлмаган-адабий шахсиятини етарлича кўрсата олмайдиган мактублари, салафларининг мактублари берилгани ҳолда Ризо Тавғиқса ёзган мактуби кирийтмаганлигидан афсусланади. Чунки бу мактубда Абулҳак Ҳамиднинг адабий ҳаётда тъисирланган устозлари В.Гюго, Шекспир, Шайх Саъдий кабилар хусусида, ҳам мавзуларни ким ва қаердан олгани, қимларнинг асарларини нима учун ўқимаслиги хусусида ҳам қимматли фикрлар билдирилган эди. В.Махмуд Исмоил Ҳикматнинг Абулҳак Ҳамиднинг факат ёшлиқ йилларига оид мактублари билан чекланиб, ижодий баркамоллик давғини акс эттирувчи ушбу мактубни мажмууга кирийтмагани мантиқсизликдир деб дисоблайди. Мажмуанинг иккичи камчилиги сифатида Турк адабиёти насиридан намуналар берилмаганлигини, учинчи камчилик сифатида эса, аксарият ҳолларда таҳлилнинг шаклни муммомлар

билангина чекланиб, руҳий ҳаяжон таҳлиллари камайиб кеттанилгини кўрсатади. Таҳлил учун танланган шеърий парчаларнинг у қадар характерли эмаслигидан ташқари, ҳамид даҳосини барча манфий ва мусбат нукталари таҳлилидан келтириб чиқариш зарур эди деб билади.

Бирок, Акрам ҳақиқати ёзилган қисмлардаги санъаткорона таҳлилларни улуғлаган В. Махмуд факат танқид килиш билангина чекланмаган-лигининг тувохи бўламиз. Албатта, кичик бир мақола доирасида етти юз саҳифадан иборат мажмуани тўла таҳлил этиш мақсадини кўзламаган мунаккид «Турк адабиёти тарихи»нинг илмий асосда ўрганилиш лозимлигини тъқидлаб, кейинги жилларда янада талабчанроқ, ёндашиш керак эканлиги фикрини олга суради. Асар муҳаррири Исмоил Ҳикмат ва нашриёт ходимларига бу зэгу ишда гайрат-шижоат кўрсатишни тилаб ишга якун ясади.

Вадуд Махмуднинг «Навоийгача турк адабиёти» мақоласи унинг миллий тарихимиз бағрига янада чукурроқ кириб борганилгидан далолот беради. («Маъориф ва ўқиттувчи» 1926 йил, 1-сон, 48-50 бетлар) Мақола ўзига хос «Муқаддима», «Ёзма адабиёт», «Эл адабиёти» бўлимларидан тарқиб топади. Унда назарий масалалар, турк ёзувининг тарихи, қадимги ёзма ёлгорликларнинг услуби, Навоийгача бўлган кимматли туркий маинбалар, турли бўйруқ ва ёритиклардан тортиб, тошбитикларгача, дуолар, номалардан тортиб «Кутадгу билиг», «Юсуф ва Зулайх», «Киссасул шиби», «Девони ҳикмат»,

«Китоби куркут», «Хибатул ҳақойик», «Мұхаббатнома», «Тузукоти Темур», «Мельрожнома», «Бахтиёрнома» сингари асарларнiga тилга олинади. Мақола эл адабиёти (фольклор, ҳалқ оғзаки ижоди)нинг ўзига хос хусусиятларини ҳам қамраб олади.

Муаллиф бу мақолани ёзишида «Татар адабиёти тарихи», «Миллий татаббулар мажмуси», «Эллик мутасаввифлар» сингари қимматли маинбалардан фойдаланган. ҳатто иктидорли олим Абдурауф Фитрат ҳам «Адабиёт концепции» асарини ёзар экан, мазкур мақолага ёзтибор беради. (Фитрат. Адабиёт концепции. «Эл адабиёти» қисми Тошкент-Самарқанд, 1926 йил) Вадуд Махмуддан кўчирмалар олиб ўз фикртарини тасдиқлайди. Шубҳасиз, бу Вадуд Махмудга иносбатан ишонч ва ҳурмат ҳамда адабий мерос ихлосмандининг илмий фасохатини кадрлашнинг белгиси эди.

Кузатишлар шунни кўрсатади, Вадуд Махмуд илмий қарашларини баёни этицида адабий илмий жарайида соидир бўлаётган услубий янгиликлардан нуфузни зиёлиларнинг ибратли ишларидан ўрнак олган. У ўз мақолалаларида имкони борича ўзбекча ёки мумтоз шарқ адабиётида ишлатиб келган атамаларни кўллаган. Шу боисдан ҳам унинг илмий мақолалари тизига XX-аср бошларидағи авлод ёки илмий ҳаёт учун табиий деб қараб тарихан ёндошмок керак. Шундагина XX асримиз бошларида янгидан шаклланадиган илмий услугуга хос қийинчиликлар (матнда жумлаларнинг чўзилиши синоним талаб ўринларда бир хил сўз ёки ибораларнинг таҳрорланиб келиши гўё фикр

NVENTAR №

30727

сийқалашғандек ва стилистик ғализликлар юзага келгандек ҳолатлар) форс ва араб тилларидан анча узоклашиб қолған кейинги авлод вакииларига үнчалык эриш түулмайди.

Күрінадиқи, В.Махмудназ мұмтоз адабиетимизга, умуман, мәданий меросимнің бүлган меҳри Алишер Навоий сиймосига мурожат қилемдегінән змас, балқи Озарбайжон халқы, умуман, түркій халқларнинг мұмтоз шоюри Фузулий ижодиетінә Озарбайжон ва ўзбек адабиети, ўзбек ва түрк адабиеті орасидаги таъсир ва акс таъсир масалаларынға холис илмий нұктан назардан қарашида мазкур масалалар хазинасига илк бор калит солғанлығынан.

Дардақықат, В.Махмуд дүнекараши билім даражасы көрінгендердір. У ҳар бир замонамын за тарихий вокеаллікка миілділік мәданий даражасы ўзига хос миілді тафаккур тарзи урғодатлары нұктан назаридан мұносабат билдирган. Шу боисдан ҳам муайян мәданий мағрифий адабий тарихий вокеаллікни баҳолашда миілді маҳдуддик чегараларнан ёриб ўтиб ўзининг әрқин фикрлары уғарыны умуминсоний қадрияттар ва жаҳон мәданий савиғасы мезонларидан белгіліштікке интилтеді.

Бу нарса, В. Махмудназ мұмтоз адабий танқидчилик аңыналары доирасыда харакат қылмасдан татар, бошқыр, Турк ва рус адабий назарий фикрларига жаҳон адабиётшунослиги тажрибаларында сұяништа интилганида яқдат күзатылады. Үндагы излануучанлық ва илмий салохият мұмтоз адабиётни тасаввүф ва ислом фалсафасы асосидегінән баһолаш әнг түри илмий

йұналиш эканлиги фикрида событ турисінде күлесма ва тошбосма китоблардан мисқоллаб фактлар йүргішида ҳамда шулар асосида яғы давр ўзбек нағоййшунослиги, фузулийшунослиги тамал тошини күйишида күрінади.

В.Махмуд ҳамнша муайян бир ижодкор яшаган давр ва асарнинг яратылышындағы шартшароитни мұхиттіннің ўзига хослигини назарда тутады. Илмий маколаларда ҳар бир сүзге алохіда маъсуллик билан ёндошиб, ҳар бир фикрни фактлар билай далиллаб боради. Үннің таҳлилларында эстетик нұктан назары үстивор бўлиб, бадий асарнинг нағосатини, гўзаллигини теран ҳис эта олади. Үндагы катият ва билімдонлик ўтмиши мәданияттимизга чексиз ҳурмат ва миллатпарварлық, затаннапарварлық ва инсоннапарварлық хисплатлары, шахсияти, инсоний сиймоси, қолаверса, илмий иқтидорини кўз ўнгингизда гавғалантиради. 20-йиллар адабий танқидчиликта олимнинг мұносабат ўрини бор. Үннің маколалари билан тағишиш миілді тафакуримизинің ўзига хос босқичи бўлган 20-йиллар адабий илмий мұхити билан янада яқирик ошно бўлиш имконини бериши шубҳасизdir.

ВАДУД МАҲМУДНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ.

Вадуд Маҳмуд 20-йилларнинг зукко зиёлиларидан бири бўлиб, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг машҳур «Васияти»да «Фарзанд» каторида тилга олинади. Бирок, адабиётшунос Солих Косимов унинг Беҳбудийга дахли йўқ деб гувоҳлик беради. Бу фикрни профессоъ Б.Косимов ҳам тасдиклайди. Вадуд Маҳмуд 1897 йил (айrim манбаларда 1898-1899 йиллар кўрсатилган.) Самарқанд шаҳрининг Хўжазумрад маҳалласи имоми мударрис Маҳмудий домла оиласида таваллуд топган. У Салриддин Айнийнинг қайногаси- хотининг акасицир.

Вадуд Маҳмуд болалигига Абдуқодир Шакурийнинг яъни усуладаги мактабида таҳсил олган. 1917-йилги ўзғаришлардан сўнг Самарқанд вилояти маориф бўлимининг мудири вазифасида хизмат килган. Ўша даврларда «Болалар тарбияси», «Маориф ишлари», «Мактабларда аҳвол», «Маорифимиз», «Мажбурий ўқиши» сингари ўнлаб маколалар ёзган. У XX аср биринчи чорагидаги Туркистон зиёли-ларининг вакили бўлиб адабиёт майдонига Самарқанд адабий мухити орқали 20-йиллар арафасида кириб келган. Унинг таълим-тарбияси ҳамда дунёкарашининг шаклланишида Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдуқодир Шакурий Васлий, Сиддикӣ, Ажзий, Салриддин Айний, Ҳожи Муйин, Адугуаф Фитрат, Тамҳид Самарқандий сингари шоиру олимлар, муаллимлар мухити катта роль ўйнайди. Вадуд Маҳмуд асарлари вақти

матбуот саҳифаларида Вадуд Маҳмудий, Вадуд Маҳмуд ўғли, Вов Мим, Вов В. имзолари билан босилиб турган. У хилма-хил жанрларда ва ранг-баранг мавзуларда асарлар ёзган, бироқ адабиёт-шунос мунаққид сифатида танилган. «Бу кунги шъерларимиз ва санъаткорларимиз», «Турк шоиши», «Ажизий», Чўлпоннинг «Булоклар»и, «Чин сезвичи», «Хинд ихтилолчилари», «Адабий танқидга бир назар», «Илмий-адабий вазифалар каршисида» каби ўнлаб маколаларида 20-йиллар адабий-илмий жарабини таълли қили, Чўлпон, Фитрат, Абдул, кодирий сингари санъаткорлар исходини ҳолис баҳолади.

Вадуд Маҳмуднинг ижтимоий-сиёсий, адабий-эстетик қарашлари шўро ҳокимияти мафкурасига тўла мос келмас эди. 1927 йили 4-5 октябрда Самарқандда бўлиб ўтган Ўзбекистон маданиятчиларининг иккинчи курилтойидан «тескаричи», «Чўлпонлар маддоҳи» сифатида хайдаб чиқарилган Вадуд Маҳмуд 1929-1934 йилларида миллиятчиликда ноҳаҳ айбланиб қозогистоннинг Семипалатинск шаҳрида камок муддатиси ўтади. 1934 йилдан Тошкентда яшाइтган олим 1937 йилда Архангельска бадарга килиниб. 1956 йилгача сургун муддатини ўтайди. Соғ-саломат кайтган Вадуд Маҳмуд Тожикистон ФАнинг Ҷудакий номидаги Тил ва Адабиёт институтда иш йи ходим бўлиб ишлайди. «Фарҳанги забони тоҷик»ни тузишда катнашиб, Бедил шеърияти билан шугулланади. Баъзан эса бадний исход билан шугулланин шеърлар битади. Унинг 20 аср бошларида жўшқин дамларини эслаб ёзган «Муаллим Шакурий» хотира киссаси

«Садои Шарқ» журналининг 1992 йил 6-сонила чоп этилган. Афсуски, Вадуд Махмуд 1976 йилдаёк ҳайтдан кўз юмган эди. Бу фидойи зиёлининг амалгй фаолияти ва илмий-бадний мероси муборак номини ҳамиша ардоклашга кафолат беради.

И.Ёкубов, филология фанлари номзоди, доцент
К.Ташанов, филология фанлари номзоди

АЛИШЕР НАВОЙ.

1. МУХИТИ

Хижрий бешинчи аср ила ўнинчи аср орасидаги беш юз йиллик бир давр Хурросон ва Мавроунахрда Ислом маданиятининг гуллаган мавсуми эди.

Бешинчи асрлар арабнинг руҳи ортиши билан Эроннинг ер юзида мумтоз бир мавкев тутгон давридир. Бу вакъллар рӯби маскуннинг энг файзли китъаси ва маълум дунёнинг оғизларида достон бўлатурон кисми Ирок ва Хурросон эди. Ўрта Осиёнинг янги тарихида энг бой ба шавкатли давлатлар шу даврнинг маҳсули-дирлар.

Мамлакат обод, ҳалқ иймонлик ичига эди. Чунки рӯби маскуннинг бойлиги шу юртка йигылган эди.

Бу вакълларда Ирок, Хурросон ва Балхнинг марказий шаҳарлари Боғод, Ҳирот, Нишопур, Балх, дунё тизкоратининг йўллари устида ҳиллар. Ҳинднинг кумошлари, Чиннинг санъаткорона ишланган тўқулғон асбоб ва кийимлеклари, Миср ва шомнинг помик, ипак коғозлари, Эроннинг қимматбахо тошлари, хуллас, дунёнинг бир томонидан иккинчи томонига, ҳар нарса бу йўлдан ўтар эди. Мана шу замонларда эдиким, Ислом маданиятининг етиштирған ҳаким ва адиллари дунёда ягоналик түгини кўтарған ҳиллар.

Ҳаким Саноий, Мавлоно Жалолиддин Румий, Фаридидин Аттор, Абу Али Ибн Сино, Форобий,

Хайем каби энг буюк машхур кишилар бу асрнинг етиштирган кишилари орасидадир.

Бу ўрта аср мадданиятининг иккинчи бир вараги бўлғон VIII-IX-X аср турк даҳосининг аси мадданиятини ўзлашдириб очғон ва юксалган бир давридир.

Воқеан юкорида отларини саноғонларимиз орасида ҳам турклар бор, лекин бу кейинги давр турк даҳосининг ўз мамлакатида, ўз муҳитидаги ўз муассасалари учун ишлатилиши билан айрилади. (56 б.)

Бу даврда Темур, Йилдирим, Бобир каби буюк кўмандонлар, Ахмад Яссавий, Навоий, Султон Ҳусайн, Фузулий каби шоирлар, Улугбек, Кушчи каби ҳайъатшунос ҳакимлар етишдилар.

2.ТАРЖИМАИ ҲОЛИ ВА ТАРБИЯСИ.

Ўрта Эсиёнинг шу «Олтун давр»нинг 844 ичи хижрийсида здиким бу кун Турк адабиётининг отаси саналатуғон Алишербек Ҳиротда дунёга келди.

Алишернинг отаси Ганжинай Баҳодир Темур болаларининг хизматларида юратурғон маъмурлардан бирни эди ва хижо вазни билан шеърлар айтганидан шоирлик чла машҳур бўлмиш эди. Ва шунинг учун «кичик баҳши» деб-да атар здилар.

Ганжинай Баҳодир ўзи ҳам олим ва фозил одам бўлғонликдан Алишернинг тарбиясига кичик ёшдан аҳамият берди. Алишер аввало Ҳиротда бошланғич мактабда ўқиши ва ўзининг йыгитлик ва фаолият йиғларида энг яқин дўсти бўлғон Султон Ҳусайн ҳам шу мактабда ўкур эди.

Алишер олти ёшса экан, онласи Шоҳруҳнинг вафотидан сўнг Машҳадга кўчди. (850 ҳискрый).

Бу шаҳарда Алишернинг ёщигига қарамай, Султон Абулқосим Бобирнинг ёнида отасининг ўрнига тайин этдилар. Алишернинг фазл ва камолта бўлғон майлини кўрган Абулқосим Бобир унинг форсий ва туркий қалам таҳжрибаларини ташвиҳ этар ва доимо навозишларда бўлинар эди. Бу орада Бобирнинг эски вазири Мавлано Ҳимой муммода ягона эрди. Алишерга раҳбарлик этди. Ва у замонлардан бошлаб иккى тилда мумкун асарлар ёза бошлагонидан зулисонайн (икки тил эгаси) лакабини олди.

Алишер 17 ёшида экан Бобир ўлгандан сўнг диний ва илоҳий илмлар билан шуғуллашмак истади. Шу вақтларда здиким Ҳурсоннинг машхур шонрларидан Шайх Камол Турбатий билан танишди ва истифода этди.

Шу вақтларда яна бир Ҳиротта келиб Султон Абусаиднинг хизматига кирган бўлса ҳам турсанд бўлолмасдан Мавороунахрга жўнади. Алишер Мавороунахрнинг маркази бўлғон Самарқандга келиб Абулрайснинг болаларидан ва шаҳарнинг буюкларидан Хўжа Жалолиддин-Файзулло Абулрайснинг мадрасасига кўнди. (57-б). Бу Хўжа усули фикҳда шундай моҳир-уста зимишким ҳамасрлари уни (Ибн Ҳожиб) билан бир тутар эканлар («Мажолисун нафонс»).

Алишер иккى йилча бу фозил мухтарамнинг ёнида турди, яна шу вақтларда шоир Мавлоно Юсуф Ибодий Андижоний билан танишди. Самарқандда «таҳсил қавод фозил улум наклия ва такмил конун

маориф аклия» билан машгул бўлди. Мавороунахр ҳокимлари Аҳмад Ҳожибек, Амир Дарвешмуҳаммад Тархоннинг сұхбатдошлари бўлиб, Султон Ҳусейн «тахт иқболға» чиққунча шунда турди. (873-йилда) Султон Абусаид ўлгандан кейин Ҳусайн Байқаро таҳтга ўтиргач, Алишерни Самарқанддан Хиротга чакириди.

Бу вактларда Султон Ҳусайн ёнида бўлғонидан идора ва ҳукумат ишлари билан машгул бўлди. 875-хижрийда исён этган Муҳаммад Ёғор устига Султон Ҳусайн ила бирга юриш килиб-ривоятга карагандан уни ўз кўли билан тутиб ҳукмидорга тақдим килди.

Бундан бошқа идора ва ҳукумат ишларига кўп ёрғонликлар кўрсатганидан (876)да «Муҳрдор ҳокони» белгиланди. Яна шу йилнинг ўзида амирлик рутбасини олди.

Алишер ҳар қанча подшоҳ томонидан очик юз ва илтифот кўрса ҳам доимо ҳукумат ва идора ишларидан безган эди ва тақрор-тақрор ишлан бўштилишин сўрар эди. Алишер идора ишларига ҳар қанча ярарлик кўрсатса ҳам унда фазл ва камолга майл ниҳоят даражада эди.

Унинг энг буюк гуссаси севгисининг иккига бўлинниши эди. Бири энг яқин дўсти ва ўртоғи бўлғон Ҳусайн Байқаронинг юзидан ўтолмасдан унинг буоргон ишлари ила машгул бўлиш.

Холбуким, адабиёт, илм ва санъатга ортиқча берилган бир киши бўлғонидан ҳукумат ишлари унга кўп монеъ бўлур эди.

Алишер истар Машҳадда, истар Самарқанд ва Хиротда бир томондан замонининг энг буюк иродада кишилари, зодогонлари орасида бўлса, иккинчи

томондан Мавроунахрда жуда биринчид мавқеъ қозонатурғон олимлар, шайхлар, адиблар ва санъаткорлар орасида эди, улардан кўп фойдаланди. (58-б).

Бу асрда мугассавуфлар энг буюк ўрун тутар эдилар. Алишер Самарқандца (10-12) йил турғон муддатида Ҳўжа Жалолиддин Файзула Абуллайсдан, Маалено Абдураҳмон Жомийдан ва бошқа у даврда ниҳоят даражада кўп бўлғон мугассавуф олимлардан таъсирланди.

Юкорида кўрганимизча бир томондан мухит, бир томондан муаср буюк кишилар унга тасаввуф талқин киларди. Бу юкорида кўрсатган-ларимиздан Мавлоно Жомий бир томондан диний-илюхий раҳбарликда бўлса, иккинчи томондан асрининг энг буюк адиб шоирлари ила бирга унга адабиёт ва санъат талқин килар эди.

Машҳадца турғонида Бобирнинг вазири Мавлони Ҳимойӣ, шоирни машҳур Ҳурносонӣ, Шайх Камол Турбатий, Самарқандда Мавлоно Юсуф Ибодий Андиконий ва сўнгра Хиротда ўнларча шоир, адиб, санъаткори ила бирга бўлди.

3. МУГАСААВВУФЛИГИ.

Мана шу мудит ва шу тарбияда яшагон ва ўстган Алишер табиий ўлароқ тасаввуф манзумаи фикриясига берилди. Эн кўп таркалғон ва энг кучли намояндлари бўлғон бир фалсафа тасаввуф эди.

Навоний тасаввуфнинг руҳониятчилигига шуича берилгага здиким, ҳар асарининг ҳар ерида бунинг таъсири кўриладир.

Чигитой шоирининг устозларидан бирни бўлғон Лутфий тўгрисида ҳар вақт сўз очилса, Навоий у билан кўришганини ва унинг Навоий тўгрисида илтифоткорона қарогонини ва шунинг учун доимо унинг руҳониятийининг ёрдамида бўлишини таманно килар эди.

Энг буюк сўфийлардан (Сайд Ахмад Ардашер)нинг якин мусоҳибларидан эди, ва бу киши ҳакида жуда самимий эди-доимо «бутун умрида бу зот каби мукаммал бир шахсиятта учрамаганини» тақрор килар эди.

Мавлавий Жомий эса Навоийнинг пири эди. Бу кишига муҳаббати шу қадарким, ҳар асарида ҳеч бўлмаса бир-икки бет (саҳифа) бу зотнинг тавсифига фасл килгандир. (59-б).

Жомий ҳам ўзининг «Баҳористон»ида Навоий тўгрисида айрим бир фасл айриб унинг мадҳ, саносида шунча муболоға киладирким, у асрда бунчка булсқ одамдан ҳеч ким бу илтифотни кўрган эмасдир.

Навоий Жомий воситасида Накшбандга интисоб этди. Бу манзумана фикрия таъсири билан Навоий 37 ёнда, 881 хижрийда қасб-камолга машгул бўлди.

4. ИЛМИ, БАДИЙ ШАХСИЯТИ.

Кўрдикким, Навоий отасининг кўлида экан илмий-адабий бир муҳитда эди. Отаси бир шоир ва эски анъанавий бир шоир бўлиш сифати билан ҳам эрса ҳам тарбиявий одоби таъсир пжро этди.

Шунинг учунда Навоий энг кичик ёшдан шеър айти бошлиди.

Алишер 14-15 ёшда экан форс ва туркий шеърларини Абулқосим кўрар ва ути ташвиқ қилар эди ва Абулқосим Бобирнинг вазири Мавлонай Муаммой кўл остида ёзган туркча, форсча асарлари муҳимгина мавқеъ олғонидан шу вақтлардан бошлиб уни зуллисонайн атай бошлидилар.

Навоий ўз ҳаётидаги энг кўп ёзғон кишиларданди. Мавлавий Жомий ҳаётда экан Навоийнинг ўн мингдан кўп газал ёзғонин ва «Ҳамса»синингина ўтгиз минг байтдан иборат эканин зикр этадир.

Навоий форс билан ҳам анча машгул бўлди. «Ҳамса»сини қаңдайким Низомийга жавобан ёзғон бўлса мушоира майдонидаги бўлғон ва Хисрав тамонидан ёзилғон «баҳр ила бир оз» деган қасидага жавоб айтди.

Навоийнинг «тахт талабкори» Хисравнинг «баҳр ила бир оз»идан кўп ҳам қолишмайдир ва бунда кўп кимматли фикрлар юриттандир.

Масалан унинг матлаби шудир:

Оташин Лайлита тож Хисрав опро зиёр аст
Ахкори баҳр хиёл ҳам баҳш бир сир аст.

Таржимаси:

У оловга ўхшагон лаълықи подшоҳларнинг тожларининг зйнатидир. Биласизми нима учунцир?! У бошда ҳам ҳаёллар пиширмаккагина ярайтургон бир учунцир.

НАВОЙ БИР МУЖАДДИДИР.

60-б. Юкоридағы бұлымларда Навоийнинг мұхити ва асрнинг буюкларини айтдик. Табинй, сүз боришидан маңтумким, бу мұхит ҳар қанча түрк арапаш бұлса ҳам Эрон форс мұхитидір ва бу шахслар орасыда ҳар на қадар турклар бұлса-да форсий үнсурлар күпчиликтер вә биттабы түрк арапаш бир форс маданий соҳасидір.

Навоийнинг асли мұхим шаҳсияти на мұгасавиуғлары, на шоғурылығы, на таърих ёзғоницир. Уннинг мұмтозлары шундай қайнағор ва юзларча йилдан бері сингиб кептән форслықнинг марказыда түрклик муассасаларини күршиди.

Навоийнинг форсга ва форс адабиетига бир дүшмәнлігі йўқдир. У тўғридан-тўғри миллатчи ва түрклик севатурғон бир шаҳсиятдир.

Навоий ўз асарларыда форсчанинг нозик, охонгдор бўлғонини ва у билан шеър айтиш куладай ва хуш келатурғонларини айтадир. Лекин «модомиқи биз айри иркимиз ва айри бир тил эгасимиз, нима учун ўз онламиз тушунатурғон қилиб ўз тилимиз билан ёмайлик?» дейдир.

Форс тили ишланыш билан нозиклашган экан, иченү түрк тили шундай бўлмасун? Форсда бу қадар гўзал асарлар бор экан ва буларни бизнинг түрк онгламас экан, нучун у маҳрум бўлсін ва бу асарлардан истифода қила олмайтурғон бир вазиятда колсун.

«Түрк тили ҳар қанча кўпол ва оғир бўлса ҳам узимизни бўлғони учун яхши кўринадир».

..Тузилди бу назмки бори сарсари Яна түркй алғоза ила бир сари. Гавҳар нечаким диккати бордир Талаффуз аро илкнити бордир. Сўзинингни яхши кўрарсан ўзинг, Кўринимас ёмон чун зарур ўз сўзинг, Кошинингда сенинг гарчи кўп вазни бор,

Чу бор ўз сўзинг йўқ, анга эътибор. Гар сўз зодан табъ ва фарзанд эрур Чу фарзанди эрур жонга пайванд эрур Неча зиёдан табъ эрур нописанд Кишининг ўз олида бор аржуманд Неча буюм фарзанди манхудир Ўз олиди жилва товусди? Каноп шаҳи йўқ гарчи ҳашакча Каландаргагидир сарв палакча.

61-б

Мана бу мұхокама натижасида у кўлига қалам олди ва форснинг энг машҳур классик асарларига қарши түрк классик асарлар вужудга келтирди.

Мана Навоийнинг бизча мұхим бир хизмати ва уни бу кун түрк адабиети отаси атанишиниг асли ўзаги шунладир.

Алишербек бундан беш юз йил илгари форс тилига қарши исен қылди ва ўзининг «Мұхокаматул лутатайн» отли асарида туркчанинг форсчадан ҳеч вакт колиши масслитини, ба ким ундан кат-кат ортуқ ва бой эканинни исбот этди.

(61-б) «Модомиқи Навоий шу фикрдадир. Нима учун форсийда бир девон, бир неча касида ва бир неча асарлар ёди?» деган эътизор бўлиши мумкиндир.

Бир киши ўз фикрини қабул қилдирмок учун энг олдин ўзининг мӯтабар инжа бир савида бўлиши керакдир. Алишер ҳам шу йўлни тутди. Бошлаб уларнинг ўз йўлларида шеърлар, асарлар ёди. Камолини кўрсатди ва сўнгра ўзининг сирини очди ва дардини сочди.

Навоийнинг Султон Ҳусайн ва ундан кейинги даврга қилғон хизмати ва қолдирғон таъсири кучли ва кўпцир. У доимо илми фозил эталарини тарбият килар уларга вазифалар белгилар ва асарлар ёздирар зди.

Навоийга бағишлануб жуда кўп асарлар ёзилғондир.

Султон Ҳусайн асари тўғрисида бошқа асарларга карагонда бизда кўп манбаҳа ва маҳазлар бор. Буларниг энг биринчиси Навоидир.

“Равзатус-сафо”, “Ҳабибус-сияр”, Восифий каби тарих ва ҳикоячи ва мўнографлар Жомий, Маклонис Ҳусайн каби ахлоқий, диний асарлар ёзотурғон муаллифлар ва бундан бошқа ўнларча девоночи, тазкирачи ва турли йўлда ёзгувчи адаб ва шоирларнинг (62-б.) барчалари Алишернинг мусоҳиблари ва унинг химояти остида яшагон фозил эгаларидаirlар.

Бу олим ва адиллар ва бошқа унинг санъаткор мусоҳиблари ҳам бор эди. Унинг сухбатида асрининг энг буюк мусикийшунослари, ҳофизлари, рассомларӣ давом этдилар. Ҳатто Навоийнинг Мусикий илмидаги ҳам русух эгаси экани ва бир неча наволар басталагани майлумдир.

Рассомликда ҳам Навоий анча хизмат қилди. Кўн расмийлар чизгони ривоят этиладир. Бу майдонда

бир неча шогирдлар етиштирганлиги Маҳроунахр санъаткорлиги дунёсида мухим ўрин тутадир.

Навоийнинг ўттиздан ортиқ асари борлиги ривоят қилинадир.

Кўлнимизда бўлғонлари:

Тўрт девони, Ҳамсаси, Тарихи Ажам, Маколис-ун-нағоис, Лисон-ут-тайр, Муҳокамат-ул-лутатин, Форсий бир девони.

Вафоти 906 хижрий зулҳижжа ёки шабон оидидир.

Кабри Ҳиротда ўзи солғон жомеънинг саҳнидадир. Умри олтмиш иккидир. ВАДУД МАҲМУД.

ИДОРА.

Бу кичкина мақола журналинизмидаги Навоий юбилейига иштироқи учун ёзилди. Бунда кўп ҳоллар ва воқеалар киска, баъзан ҳатто бир сатрда ўтиладир. Ўзбекистон Маориф Комиссарлиги Илмий Шўроси томонидан яқин фурсатда Навоийнинг беш юз йиллиги муносабати билан қилинотурғон юбилейда жуда кенг бир режа тузилиди.

Илмий шўроннинг кебинги мажлисида шу яқин-уч ой орасида Навоий учун бир «эслаш» мажлиси қилишга ва бунгача Навоийнинг таржимаи ҳол ва фаoliyatiга оид бир мажмуа ва Навоий асарларидан терма яна бир мажмуа ва энг сўнгидаги унинг расмини катта-кичик ҳажмда тарқатишга қарор қилинди.

Шуннинг учун модомикким маҳсус бир мажмуа чиқариладир. Яна бунда тафсилот бериш ортиқча билинди ва келгуси текширишнинг матниниң тақдим килинадир.

В. М.

ФУЗУЛИЙ БАҒДОДИЙ.

(Юбилей муносабати-ла)

Фузулий ўнинчи аси хижрийда Ирок Арабда яшагон бир шоирдир. Бағдод теварагида, бир ривоятта кўра тўққизинчи аси хижрийнинг охирларида туғилмишидир. Оти Мұхаммаддир. Отаси Сулаймон деган олим бир зотидир. Аслининг бири турк, бири форс бўлғонига доир икки ривоят мавжуддир. Факат юзининг сиёхи турклик томонга оғирлителлини кўрсатадир.

Форс девоанининг мұқаддисасыда шундай дейдир: (таржимаси) «Гоҳи араб шेърларига юз тутдим ва араб сўззамолларини тозий, (арабий) фанларда хурсанд қилдим. Ва бу мен учун осон эди. Чунки (араб тили мен учун илмий баҳслашув тили эди. Ва бальзан туркий майдонда табъ самандини елдиридим ва турк хуштабыларини латиф сўзлар билан лаззатлантиридим. У менинг асл табиятимга мувофиқ бўлғони боис у ҳам кнайчиллик туғдирмади. Ва гоҳи иборат ишига форсий

гавхар тиздим ва ул буюк шоҳадан кўнгил мевасини тердим»).

Туркчанинг асли саликасига тўтри келганини айтадирким, она тили туркча эканини билдиради. Форсча ҳакида «ул буюк шоҳадан кўнгил истаги

мевасини тердим» (таржима) дейдирки, форс тилининг нозуклитини ва дилбарлигини ишорат қиласадир ва ўзишинъ уйдан завқ олғонини билдирумак истайдир.

